Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 2 июль, № 131 (4794) Пайшанба

«МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ, БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР»

КЎРКАМ, БЕТАКРОР ВА ФАЙЗЛИ ТОШКЕНТ

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча гўшаларида мустақиллигимизнинг қутлуғ 18 йиллигини муносиб кутиб олишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Анъанага мувофиқ, шаҳару қишлоқларимизда янгидан-янги ишлаб чиқариш корхоналари, турaржой бинолари, хизмат кўрсатиш ва савдо мажмуалари, маҳалла гузарлари, бахт уйлари, мактаблар, замон талабларига жавоб берадиган йўллар, кўприклар, қўйингки, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи муҳим иншоотлар барпо этилиб, бирма-бир фойдаланишга топширилмоқда. Яратилаётган бундай қулай шароитлардан мамнун бўлиб, қалбларини ўзгача ҳаяжон қамраб олган одамларнинг ўзаро давралардаги суҳбатларига қулоқ тутсангиз, ушбу ўзгаришлар Президентимизнинг оқилона сиёсати самараси, мустақиллигимиз, тинч ва осуда ҳаётимизнинг шарофати эканини бот-бот таъкидлашаётганига гувоҳ бўласиз. Чиндан ҳам, бугун дунёда турли мураккаб вазиятлар ҳукм сураётган бўлишига қарамай, Ўзбекистонда мана шундай улкан бунёдкорлик ишларининг бир маромда давом этиши ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Шу боис булар бизга чексиз ғурур ва ифтихор ҳиссини бағишлайди.

Таъкидлаш жоизки, жойларда истиқлол тантаналарини муносиб ўтказишга ҳозирлик кўриш жараёни давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 июнда имзолаган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида кўзда тутилган вазифаларга мос равишда олиб борилмоқда.

(Давоми 4-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

ИСТИҚЛОЛ ВА МИЛЛИЙ ҒУРУР ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари — байроқ, герб, мадҳия халқимизнинг шон-шарафи, маънавий-маданий мероси, миллий анъана ва қадриятлари, ор-номуси, ғурури, тарихий хотираси ва орзу-интилишларини ўзида мужассам этган. Уларни эъзозлаш, асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш бугун барча юртдошларимиз зиммасидаги муқаддас ва шарафли бурчга айланган.

Бундан роппа-роса 17 йил муқаддам — 1992 йил 2 июлда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган эди. Мазкур Қонунда Давлат герби мустақиллигимиз рамзи экани ҳуқуқий асосда мустаҳкамлаб қўйилиши билан бирга, унинг қандай кўринишга эгалиги яққол ифодалаб берилди. Шу санадан эътиборан Давлат герби тасвири мамлакатимиздаги барча давлат ва жамоат ташкилотлари бинолларига ўрнатилди. Шунингдек, олий рамзимиз тасвири муҳрларда ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрларда, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғозлар ва фуқаролар паспортида ҳамда қонунда белгиланган бошқа ўринларда акс эттирилди.

Давлатимиз гербида халқнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз аксини топган. Унда тоғлар, дарёлар ва бир томони буғдой бошоқларидан, яна бир томони эса чаноқлари қийғос очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қўёш заррин нурларини сочиб турибди. Гербнинг юқори қисмида истиқлолимизни ифода этувчи саккизбурчак — мусамман, унинг ички қисмида яримой ва юлдуз ўз аксини топган. Гербимиз марказида бахт ва эрксеварлик, саодат ва ҳиммат, олижаноблик ва омад тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши қанотларини ёзиб, парвозга шайланиб турибди. Пастки қисмида юртимиз Давлат байроғини ифода этувчи чамбар тасмасига "Ўзбекистон" деб ёзиб қўйилган.

Гербимиздаги ҳар бир ранг, ҳар бир чизиқ, ҳар бир белгининг ўз рамзий маъноси бор. Масалан, қўёш тасвири серқуёш, жаннатмонанд заминимизни англатади. Тоғлардан йўл топиб оқаётган дарёлар — мангулик рамзи. Қийғос очилган ғўза шохлари ва олтинранг бошоқлар — фаровонлик, тўқлик-тўкинлик тимсоли.

Мамлакатимизда давлат рамзлари, шу жумладан, Давлат герби ҳам қонун билан муҳофаза қилинади. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги Қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўтган йилларда барча давлатимиз рамзлари қатори гербимиз ҳам ҳаётимиздан чуқур жой эгаллаб, юртдошларимиз учун ифтихор тимсолларидан бирига айланди. Зеро, шу табаррук заминда туғилиб-ўсган, шу муқаддас диёр бағрида умр кечираётган инсон давлатимизнинг ҳар қандай рамзу тимсоли замирида Ватанни севади, эл-юртни қадрлайди.

Ф. БЎТАЕВ.

Бугунги кунда мамлакатимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ДЕВОРБОП МАТЕРИАЛЛАР КЎПАЯДИ, СИФАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектуравий режалаштирилишини ташкил этиш, қишлоқда турaржой ва ижтимоий соҳа объектларини барпо қилиш, ишлаб чиқариш, инфратузилма ва автомобиль йўлларини ривожлантириш, транспорт, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини такомиллаштириш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш сингари йўналишларга қаратилган тадбирлар шулар сирасига киради.

Муносабат

Президентимизнинг кеча матбуотда эълон қилинган "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг аҳамияти шундаки, унда замонавий технологияларни татбиқ этиш ҳисобига айнан сифатли деворбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш орқали ички бозорни шундай материаллар билан тўлдириш, уй-жойлар, хусусан, қишлоқларда иморат қураётган аҳолининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжини янада тўликроқ қондириш мақсадлари назарда тутилган.

Ушбу қарорга кўра, шу йил 1 июлдан бошлаб 2012 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда махсус печлардан фойдаланган ҳолда, замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча турдаги солиқлар, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиниши, айниқса, бизнинг жамоамизни қувонтириб юборди. Гап шундаки, 2005 йилда ташкил топган компаниямиз, асосан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бунёдкорлик ишларини бажариш билан шуғулланади. Ўтган даврда 8 та мактаб, 4 та касб-ҳунар коллежи бинолари ва яна шунча маданий-маиший иншоотни қуриб, фойдаланишга топширдик. 2008 йилда 446042 АҚШ долларига хориждан махсус техника ва технологияларни келтириб, ўз моддий-техник базамизни кенгайтирган бўлсак, жорий йилнинг 2-чорагида пишган ғишт ишлаб чиқарадиган Хитой ускуналарини ишга туширдик.

Ишончимиз комилки, қарорда белгиланган солиқ имтиёзлари ва преференциялар пишган ғишт ҳамда деворбоп материалларнинг муқобил турлари — йиғма, композицион ва кичик блокли конструкцияларни ишлаб чиқарувчи барча корхоналар аҳолини руҳлантириб, уларни янги марраларни забт этишга даъват этади. Пировардида деворбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, сифати янада яхшиланади. Буларнинг ҳаммаси, ўз навбатида, шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод ва кўркам бўлишига, халқимиз турмуши янада фаровонлашишига хизмат қилади.

Эркин ТЎХТАЕВ,
Яккабоғ туманидаги «Турон бунёдкор қурилиш» инжиниринг компанияси раиси.

ТУРКМАНИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги элчихонасида Президент Ислом Каримовнинг туркман ва инглиз тилларида нашр этилган "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда туркманистонлик ишбилармон доиралар вакиллари, Европанинг етакчи молия институтлари (ЕТТБ, "COMMERZBANK", "Дойчебанк"), Туркманистонда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари ҳамда мамлакат жамоатчилиги вакиллари иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Президент Ислом Каримов асарининг долзарблиги, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг юзага келиш сабаблари ва Ўзбекистонда унинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар чуқур таҳлил этилганини таъкидлаб ўтишди.

Хусусан, Германиянинг "COMMERZBANK" банки ваколатхонаси раҳбари Карстен Тойер китоб ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашиб, у нафақат мамлакат китобхонлари, балки чет эл экспертлари ва таҳлилчилари учун ҳам муҳим ва керакли асар эканини таъкидлади. "COMMERZBANK"нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари сифатидаги фаолияти давомида олган тажрибасига таянган ҳолда, К. Тойер мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий тараққиёт моделининг самарадорлиги ва мамлакатни ривожлантириш жараёнларида давлатнинг ўрни жуда муҳим эканига эътибор қаратди.

Дунё нигоҳи

"Мен кўп йиллар мобайнида Тошкентда ишлаганман ва Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятидан яхши хабардорман, — деди германиялик молиячи. — Ислом Каримов давлатнинг ўтиш давридаги ўрни, унинг ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини теран англагани боис Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръати таъминланмоқда. Китобда келтирилган рақамлар иқтисодий тараққиёт модели ўзини тўлиқ оқлаганидан дарак беради. Кўплаб давлатлар учун ўта оғир бўлган даврда Ўзбекистон эришган макроиқтисодий кўрсаткичлар ниҳоятда аҳамиятлидир. Инқироз иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг ўрни муҳим эканини намоён этди. Ҳозир Германияда ҳам шундай хулосага келинаётгани боис иқтисодий ва молиявий тизим устидан давлат назоратини кучайтириш борасида зарур чоралар кўрилмоқда".

"COMMERZBANK" ваколатхонаси раҳбари, шунингдек, Ўзбекистон банк тизимига ҳам тўхталиб ўтди. Унинг таъкидлашича, кўп йиллар давомида шаклланган молиявий институтларни назорат қилиш ва тартибга солиш амалиёти мамлакатда ишончли банк тизимини яратибгина қолмай, балки инқирозга қарши курашдаги асосий ҳимоя воситаларидан бири бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ХОРАЗМ БУҒДОЙИ

«Галла — 2009»

33 минг 200 гектар майдонда деҳқончилик қилган воҳа галлакорлари 14 иш кунида 83 минг тоннадан зиёд сара дон йиғиштириб олдилар. Шундан 8 минг 300 тоннаси уруғликка қабул қилиниб, келгуси йил ҳосили учун ғамлаб қўйилди.

Шартнома режаси бажарилган бўлса-да, иш бир маромда давом этаётир. Чунки ҳали воҳа далаларида галла жуда мўл.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакат бўйлаб

Боқеалар, янгиликлар, хабарлар

Амударё туманидаги Қипчоқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Ёшларга иш ўринлари

Унда тумандаги 30 га яқин корхона ва ташкилот, фермер хўжалиги ҳамда хусусий тадбиркорлар 160 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир чоғида йиғин қатнашчиларининг 100 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди. Эътиборлиси, ишли бўлганларнинг кўпчилиги жорий йилда касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлардир.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий технология асосида

Янгиқўрғон туманида ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар сони тобора кўпаймоқда.

Яқинда "Тоҳиржон евроқурилиш" масъулияти чекланган жамияти томонидан янги корхона ишга туширилди. Йилига 10 миллион дона ғишт тайёрлаш имкониятига эга бўлган мазкур корхона Хитой технологияси билан жиҳозланган. Ҳозирда бу ерда 50 нафар киши меҳнат қилмоқда.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ ЯНАДА КЎПАЯДИ

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2010-2011 *йиллар мобайнида республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасида замонавий минитехнологиялар билан жиҳозланган* **963** та қайта ишлаш корхонаси ташкил этилади.

Шу мақсадда ишлаб чиқилган ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш натижасида мева-сабзавот, гўшт ва сут ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилади.

Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали ҳамда унинг туманлардаги бўлимлари ихтиёрига биратўла 22 та санитария автоулови берилди.

22 та янги автоулов

Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган, барча қулайликларга эга 15 та "Дамас" русумли ҳамда "HYUNDAI" русумли "Тез ёрдам" машиналари беморларга сифатли шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини бермоқда. Филиал 170 миллион сўмлик замонавий эндоскоп аппарати билан ҳам таъминланди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида «Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида»ги Қарор қабул қилинган эди. Унда Юртбошимизнинг 2009 йил 13 февралдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида кўрсатиб берилган вазифаларнинг самарали ижро этилишини таъминлашга қаратилган бир қатор амалий чора-тадбирлар белгиланган. Айниқса, қарорда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ҳамда улар ҳузуридаги доимий комиссияларнинг инқирозга қарши чоралар дастури ижросида фаоллигини оширишга доир долзарб тадбирларнинг белгиланганги эътиборга моликдир.

ИЖРОДА ФИДОЙИЛИК ЗАРУР

Маҳаллий кенгашларда

Самарқанд вилоятида ҳам мазкур қарор ижросини рўёбга чиқариш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши томонидан аҳоли ўртасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий аҳволига таъсири, иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш, вилоят иқтисодиётининг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тасдиқланган.

Бугун вилоятда аҳоли турмушида муҳим аҳамият касб этган масалаларни муҳокама қилиш, улар юзасидан белгиланган тадбирларнинг самарали ижро этилишини таъминлаш ишларига депутатлик корпусини жалб қилиш орқали яхши натижаларга эришилмоқда. Чунончи, 2008 йилдан бошлаб халқ депутатлари вилоят Кенгашининг иш режаларига киритилган масалалар вилоят Кенгаши депутатларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан атрофлича ўрганиб чиқилиб, эришилган натижалар муҳокама этилмоқда.

Муаммони ҳал этишнинг ягона йўли, табиийки, ўша жойнинг имконият ва шароитини ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилишдир. Чунки ҳар бир туман, ҳар бир қишлоқнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Шу боисдан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улар ҳузуридаги доимий комиссиялар иш режасига киритилган масалаларнинг, аввало, долзарблигига эътибор қаратмоқда. Мисол учун, халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси 2009 йилга мўлжалланган иш режаси асосида вилоятдаги тижорат банкларининг кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда ишлаб чиқариш секторини кредитлаш борасидаги фаолиятини ўрганиб чиқди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини муҳокама этишга тайёргарлик ишлари кетмоқда.

Муҳими, инқирозга қарши чораларнинг самарали ижро этилишида маҳаллий Кенгашлар депутатларининг иштироки ҳамда фаоллигини оширишга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, халқ депутатлари Ургут тумани Кенгашининг қарори билан жами 7 та ишчи гуруҳи тузилган. Депутатлар, шунингдек, тегишли соҳа мутахассисларидан иборат бўлган ишчи гуруҳлари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида ер участкаси сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг аризаларини ўз вақтида кўриб чиқиб ҳал этиш, фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг аҳволини, бу ҳолатга тушиш сабабларини аниқлаш, уларни соғломлаштиришга амалий ёрдам кўрсатишга бош-қош бўлмоқда. Шу билан бирга, улар боқиманда қарзларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш, ер майдонларидан мақсадли фойдаланилишини таҳлил қилиш, бўш иш ўринларини тўлдириш каби бир қатор йўналишларда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган ваколатлардан оқилона фойдаланилаётгани вилоятда инқироз шароитида янада самарали хўжалик юритишга замин яратмоқда. Хусусан, халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссияларида инқирозга қарши тармоқ ва ҳудудий дастурларнинг амалга оширилишига масъул органлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланаётгани айни муддао бўлмоқда. Жумладан, вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси йиғилишида монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси вакилининг вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ахборoти муҳокама этилган. Вилоят Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари доимий комиссиясининг 2009 йилга мўлжалланган иш режасида шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарларининг саноат, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш йўналишларида амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаш белгиланган.

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг айрим депутатлари ўз фаоллиги, талабчанлиги, масъулиятни ҳис қила олиши, фаолиятининг самарадорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Масалан, халқ депутатлари Пастдарғом тумани Кенгашининг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Х. Исроиловнинг саъй-ҳаракатлари билан "Самарқанд — Бухоро" автомобиль йўлининг 5 километрлик қисмини таъмирлаш ишлари бажарилган. Қолаверса, депутатнинг ташаббуси билан тумандаги Димишқибола қишлоғида меванi қайта ишлайдиган қўшма корхона барпо этилиб, 22 нафар фуқаро иш билан таъминланган.

Умуман, вилоят халқ хўжалигининг турли жабҳаларида кечаётган ўзгаришлар, янгиланишлар, эришилаётган ютуқлар, албатта, Инқирозга қарши чоралар дастурининг изчил ва самарали рўёбга чиқарилаётганидан дарак беради. Хусусан, Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, жорий йилнинг 1-чорагида 3 та янги корхона ишга туширилган. Иккита корхонада ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилган. Бу мақсадларга 2,3 миллиард сўмлик инвестиция жалб этилган. Мисол учун, Самарқанд шаҳридаги "Почвон Р" хусусий фирмасига ўз маблағлари ва банк кредити ҳисобидан жами 850 млн. сўмлик инвестиция киритилди. Пировардида, бир суткада 5 минг дона шифер ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона ишга туширилган ва 95 та янги иш ўрни яратилган. Нарпай туманида лойиҳа қиймати 1 миллиард сўмлик бўлган, йилига 50 минг тонна гипс маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга "Афросиёб гипс" корхонаси фаолият юрита бошлагач, 50 нафар нарпайлик ишли бўлди. Қолаверса, вилоятда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этишда озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва улар билан ички бозорни тўлдириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунишади. Шунинг учун 2009 — 2011 йилларда йилига 5 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 16 та минитехнология ва ихчам ускуналарни ишга туширишни белгилаб олинган.

Сир эмас, инқироз дунё иқтисодиётининг барқарор ривожига кескин зарба берди. Мамлакатимиз ҳам жаҳон ҳамжамиятининг субъекти сифатида молиявий таназзул таъсирини муайян даражада ҳис этмоқда. Галдаги энг муҳим вазифа, унинг янада чуқурлашишига йўл қўймаслик, фуқароларимиз турмушига, мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини камайтиришдир. Бу эса ҳар биримиздан, айниқса, зиммасига эл ишончини олган депутатлардан мазкур масалага масъулият билан ёндашишни, ташаббускор, фидойи бўлишни талаб этади.

Сулаймон ЎРОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

ТУРКМАНИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

К. Тойер, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Навоий шаҳрида Эркин индустриал-иқтисодий зона (ЭИИЗ) ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатларига ҳам юқори баҳо берди. "Давлатнинг иқтисодий сиёсатидаги бундай саъй-ҳаракатларни фақат қўллаб-қувватлаш мумкин. Мазкур эркин индустриал-иқтисодий зона фаолиятининг бошланиши, мамлакатдаги барқарор иқтисодий тараққиёт ва ишончли банк тизими билан биргаликда хорижий инвесторларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишини янада оширади", деди банк ваколатхонаси раҳбари.

Тақдимотда сўзга чиққан Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ)нинг Туркманистондаги минтақавий офиси раҳбари ўринбосари Ботир Худойназаров, жумладан, шундай деди:

— Биз Марказий Осиё мамлакатларидаги, жумладан, Ўзбекистондаги вазиятни диққат билан кузатиб борамиз. Президент Ислом Каримовнинг асарида келтириб ўтилган макроиқтисодий кўрсаткичлар мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотлар пухта ўйланган тарзда амалга оширилган, дейиш учун асос бўлади. Мамлакат раҳбариятининг бор имкониятдан фойдаланиши Ўзбекистон глобал миқёсдаги молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини деярли талафотсиз енгиши учун имкон яратмоқда.

ЕТТБ вакилининг фикрича, Ўзбекистонда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури, иқтисодиётни изчил модернизация қилиш ва диверсификациялаш, шунингдек, қишлоқ ва агросаноат комплексини ислоҳ этиш борасидаги тадбирлар инқирозга қарши мустаҳкам ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилади.

«Жаҳон» АА.
Ашхобод

Парламент ҳаёти

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ — ЭЪТИБОРДА

Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида минтақавий семинар ўтказилди.

Соғлиқни муҳофаза қилиш ва инсон ҳуқуқлари мавзуидаги мазкур анжуманда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси тиббиёт муассасалари, хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Унда тиббий хизмат кўрсатишда меъёрий ҳужжатларга тўлиқ амал қилиш, тиббиёт ходимлари масъулиятини ошириш, беморлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда соҳанинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шундан сўнг Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Сайёра Рашидова Омбудсман институтининг бу борадаги фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ОБОД ҚИШЛОҚЛАР — МАМЛАКАТИМИЗ КЎРКИ

«Республикадаги энг яхши қишлоқ» танлови юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилади.

Бугун мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари устидан чиқасиз. Қай бир юртдошимиз билан суҳбатлашманг, қишлоқларимиз қиёфаси кундан-кунга ўзгариб, тобора кўркамлик касб этаётганини тўлқинланиб гапиради.

— Бир пайтлар уйимиз йиллар давомида сувалмаса ҳам, "Бизга шу чордевор бўлаверади", деб юраверган эканмиз, — дейди Фарғона вилоятининг Қува туманидаги Янгиқишлоқ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳомжон Мўйдинов. — Тўғриси, ўтган асрнинг 90-йилларигача қишлоғимизда бирорта пишиқ ғиштли уй йўқ эди. Албатта, кўпчиликнинг бунга имконияти етмаган, маблағи бўлган саноқли одамлар эса уй-жойини обод қилишдан чўчир эди. Шукрки, мустақиллик туфайли қишлоғимиздаги уйларнинг деярли барчаси кўркамлашиб бормоқда. Ҳар учта хонадоннинг бирида ўзимизнинг "Nexia" ёки "Damas"ни кўриб, кўзингиз қувнайди. Қишлоғимиздаги фермер ва тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан юзга яқин янги хонадонни ичимлик суви ҳамда электр энергияси билан таъминладик. 78 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасининг ишга туширилиши эса 150 дан ортиқ йигит-қизни иш билан таъминлаш имконини берди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар истиқлол шарофати, халқимизнинг фидокорона меҳнати самарасидир. Зотан, Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гарови эканини ҳар биримиз ўз қишлоғимиз мисолида яққол кўриб турибмиз.

Обод қишлоқлар мамлакатимиз кўрки, халқимиз фаровонлигининг ёрқин намунасидир. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан эълон қилинган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида замонавий уйлар, равон йўллар, узлуксиз электр энергияси, тоза ичимлик суви таъминоти ҳамда ривожланган ижтимоий объектлар тармоғига эга замонавий қишлоқлар барпо этиш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган тадбирлар ана шу эзгу мақсадга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 майда қабул қилинган қарорига мувофиқ, қишлоқ аҳоли пунктларида ўтказиладиган «Республикадаги энг яхши қишлоқ» танлови бу ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Танловдан кўзланган мақсад, қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий-бадиий қиёфасини янада яхшилаш, анъанавий ва замонавий қурилиш материалларидан фойдаланилган ҳолда, намунавий лойиҳалар асосида уй-жой, маданий-маиший ва ижтимоий объектлар қурилиши соҳасидаги бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишларини муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришдир. Танловнинг саралаш босқичларида «Тумандаги энг яхши қишлоқ», «Вилоятдаги энг яхши қишлоқ» йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланиб, 1, 2, 3-ўринни эгаллаган иштирокчилар якуний босқич — «Республикадаги энг яхши қишлоқ» танловига тавсия этилади. Бу эса юртимизнинг чекка ҳудудларидаги қишлоқлар тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш, намунали тажрибаларни оммалаштириш имконини беради.

«Даврхитектқурилиш» қўмитасидан маълум қилишларича, айни пайтда жойларда танловга тайёргарлик ишларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари якунига етказилди. Кўплаб қишлоқларда мазкур танловда муносиб иштирок этиш мақсадида уй-жойлар, ишлаб чиқариш ва маиший объектларни таъмирлаш, қуриш ҳамда ободонлаштириш ишлари кенг кўламда давом этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов қарорига мувофиқ, ўнлаб янги ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари фаолият кўрсата бошлагани, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилгани бу ишларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаяпти.

Яратилган бундай ташкилий-ҳуқуқий асослар аҳолининг замонавий уй-жойларга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини беради. Айни пайтда қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар, болалар спорти иншоотлари, телекоммуникация ва почта алоқаси, хизмат кўрсатиш каби соҳаларни босқичма-босқич ривожлантиришнинг изчил механизмини яратади.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг амалдаги самараларидир.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ

иқтисодиётнинг жадал ривожида муҳим аҳамият касб этади

Бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг тобора юксалиб боришига хизмат қилмоқда. Бунда, айниқса, хорижлик сармоядорлар учун яратилган қулай инвестициявий муҳит, улар билан ҳамкорлик алоқаларининг яхши йўлга қўйилганлиги ўз самарасини бераётир.

Кўргазма

Хусусан, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида икки давлат манфаатини кўзлаб ўрнатилган мустаҳкам алоқалар изчил ривожланмоқда. Юртимизда енгил саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда 223 та Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасининг фаолият юритаётгани, шунингдек, Хитойнинг 44 та фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очганлиги бунинг яққол далилидир. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Хитой Халқ Республикаси Савдо-саноат палатасининг қўллаб-қувватлаши туфайли ташкил этилган "Ўзбек — Хитой савдо уйи" фаол ишлаб турибди.

Таъкидлаш жоизки, икки томонлама ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишида турли йўналишларда ўтказилаётган халқаро кўргазма-савдолар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" марказида Хитой Халқаро савдони ривожлантириш қўмитаси Шинжон филиали "Таа-Дэ" масъулияти чекланган жамияти ташкилотчилигида, Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги савдо дирекцияси ҳамда Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатасининг кўмагида ўз ишини бошлаган кўргазма шундай тадбирлар сирасига киради.

Унда Шинжон тадбиркорларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналари, техника воситалари ва тайёр маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

— Компаниямиз, асосан, экспорт-импорт ишлари билан шуғулланади, — дейди "Цзябао-Вейе" Шинжон савдо компаниясининг бош менежери Ян Мен. — Бугунги кўргазмада ўз маҳсулотларимиз ва хизматларимиз билан қатнашаяпмиз. Шу ўринда айтиб ўтишим керакки, Ўзбекистон нафақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тараққий этиб бораётган, балки биз, хорижлик тадбиркорларга фаолиятимизни янада кенгайтириш ва янги ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишимиз учун ҳам барча шарт-шароитлар яратиб берилган мамлакатдир. Буни тадбир жараёнида маҳсулотларимизга бўлаётган қизиқиш ва шу ерлик ишбилармонлар томонидан билдирилаётган илиқ муносабатлардан ҳам яхши англаб турибмиз. Зеро, бу — икки мамлакат ҳукуматининг дўстона ва ишончли алоқалари меваси. Ўйлайманки, кўргазма баҳона Ўзбекистондан кўплаб шериклар топиб, улар билан узоқ муддатли ҳамкорлик ўрнатамиз.

Кўргазма доирасида Ўзбекистон ва Хитой мамлакатлари корхона-ташкилотлари вакилларининг форуми ҳамда ишбилармонлари ўртасида келишувлар бўлиб ўтади.

Кўргазма 3 июлгача ўз ишини давом эттиради.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа.

Ҳ. ПАЙДОЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан ташкил этилган давра суҳбати экологик аҳволнинг инсон саломатлигига салбий таъсири масаласига бағишланди.

Давра суҳбатида асосий эътибор Оролбўйи ҳудудида яшовчи аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг тиббий муҳофазасини таъминлашга қаратилди.

Тадбирда қайд этилганидек, соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 296 та муассаса аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Аҳолини, айниқса, аёллар ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтиришга катта эътибор берилаётир. Шу хусусда сўз юритган анжуман қатнашчилари аҳоли саломатлигини таъминлашда сифатли ичимлик суви таъминоти муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Шунингдек, давра суҳбатида аҳолининг ичимлик сувидан фойдаланишини яхшилаш, санитария ва гигиенага риоя қилиниши бўйича назоратни янада кучайтириш, атроф-муҳит муҳофазасини яхшилашга доир масалалар бўйича ҳам қизғин фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Таҳлил ва таққос

Навоий вилояти нафақат олтин, кумуш, мармар, фосфорит, кварц, феруза ва оҳактош каби бойликлари, балки қоракўл терилари билан ҳам маълум ва машҳур. Томди чўлида бўласизми, Нурота ёки Конимехга сафар қиласизми, бепоён кенгликлар узра бамисоли улкан чинор томирларидек тарвақайлаб кетган йўллар сизни, албатта, чироқ милтиллаб турган бирон-бир чўпоннинг ўтовига олиб боради. Зеро, Қизилқум бағрида бундай ўзига хос антиқа уйчалар юзлаб, ҳатто минглаб учрайди. Уларнинг соҳиблари ҳам ўзгача қувонч, умид ва ташвишлар оғушида яшайдилар.

ЧЎПОН-ЧЎЛИҚЛАРНИНГ

Бепоён саҳрога ҳар йили бир марта қўноқ бўлгувчи баҳор — чўпон-чўлиқларнинг умиди. Негаки, кўклам саболари мудроқ яйловларга жон ато қилади, абру найсонлар бутун борлиқни яшил либосга буркайди. Табиатнинг бу гўзаллигию оройишталиги, файзу тароватн эса яйлов баҳодирлари қалбига эзгу ишлар сурурини муҳрлаб, уларни янги марраларни забт этишга чорлайди.

Бу йилги баҳор, айниқса, чорвадорлар учун қулай келди. Ёғингарчилик кўп бўлгани сабабли, қоракўл қўйлари учун энг ширали ва тўйимли ўт-ўланлар — шувоқ, янтоқ, ёвшан, саксовул, жузган, қандим, кейрук, чкуган, қуёнсуяк, юнғил ва изенлар гуркираб ўсди. Натижада вилоят бўйича мавжуд 507861 бош совлиқнинг ҳаммаси қўзилади. Ҳар юз бошидан 102 тадан қўзи олинди. Шундан 350680 боши ўстиришга қолдирилиб, 79047 бошидан эса қоракўлча тайёрланди.

— "Қизилқум" деб аталувчи наслчилик ширкат хўжалигимиз яйловларида 70 минг бош қўй боқилади, — дейди бош чўпон Холмирза Кенжаев. — Бу йилги мавсумда фақат бизнинг сурувимизнинг ўзида 570 бош совлиқнинг ҳар биридан 115 тадан қўзи олинди. Қоракўлча ишлаб чиқариш топшириғи ҳам ошириб бажарилди.

Холмирза аканинг айтишича, қоракўлча олиш учун 130 кун талаб этилади. Совлиқ шундан бир кун аввал сўйилса, қоракўлча сифати бузилади, шу жараёнда бир кун кечикилса, кунингиз дурагай терига қолади. Шунинг ўзиёқ қоракўл терилари нечоқли машаққатли меҳнат эвазига пайдо бўлишини англатмайдими?

Дарвоқе, нима учун қоракўлча олтиндек товланишининг сабабини биласизми?

Дейдиларки, Қизилқумнинг тупроғини Оллоҳ тиллодан яратган. Шу боис қоракўл териси азалдан харидоргир бўлган. Айтайлик, XIII асрда Ўрта Осиёга келган сайёҳ Марко Поло ўз эсдаликларида ёзишича, Бухоро ва Хива савдогарлари қоракўл тери савдосини йўлга қўйиб, дунёни ўзларига қаратганлар. Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари чор Россияси томонидан бўйсундирилгандан кейин бу юмушни рус амалдорлари қўлга олишган. Бу эса империя шоншуҳратини оширишга хизмат қилган. Ж. Зокировнинг "Ўзбекистон қоракўли" китобида қайд этилганидек, масалан, XIX асрнинг 40-йилларида Бухородан Россияга ҳар йили ўртача 144 минг дона қоракўлча келтирилган. Шу асрнинг охирига келиб, ушбу кўрсаткич бир миллиондан ошган.

Кейинчалик эса, салкам 74 йил мобайнида Ўзбекистон собиқ тузумнинг энг йирик хом ашё ўлкаси бўлиб қолди. Айни шу даврда ҳар йили, бошқа маҳсулотларни қўя турайлик, фақат қоракўл терининг 88,5 фоизи шўро давлатининг бошқа минтақаларига жўнатиб турилгани бунга далил бўла олади.

Ачинарлиси, қизил салтанат ҳукмронлик қилган йилларда Қизилқумнинг ошуфта табиати чорвадорларнинг кўз ўнгида ўз файзу тароватидан мосуво бўлди. Чўпонлардан қимматбаҳо қоракўл териси ва гўшт топшириш талаб қилинди-ю, аммо суғориладиган ўтлоқларнинг унумдорлигини ошириш, яйловлар ҳолатини яхшилаш билан ҳеч ким, ҳатто, олимлар ҳам шуғулланмади.

Бугун-чи? Истиқлол қуёши, таъбир жоиз бўлса, Қизилқумга қора кўланка ташлаб турган пажмурда булутларни тарқатиб юборди, чўпон-чўлиқлар ҳаётида эса мунаввар кунлар бошланди. Биз нималарни назарда тутаяпмиз?

Аввало, Президентимизнинг тегишли Фармонига мувофиқ, чорвадорларнинг меҳнат таътили 24 иш кунидан 36 иш кунига узайтирилиб, қишлоқ хўжалиги солиғидан озод қилинди. Яшаб турган уйлари шахсий мулк қилиб берилди. Бундан ташқари, чўпонлар меҳнатининг оғирлиги, яъни чўл минтақасида ишлаши ҳисобга олиниб, уларга экологик коэффициентлар бўйича ҳақ тўлаш, хўжаликларга ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 15 фоизини эркин тасарруф этиш тартиби жорий қилинди. Армия ёшидаги фарзандларига эса хизматни отарларда ўтказишга рухсат берилди. Бу ҳол, ўз навбатида, чўпонлар сулоласининг давомийлигини таъминлашда, ёш авлоднинг ота касбига меҳр-муҳаббатини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Бугунги кунда Навоий вилояти "Қоракўл" бирлашмаси таркибида 32 та ширкат хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 8 таси наслчилик заводи, 3 таси наслчилик хўжалиги, яна шунчаси бўрдоқичилик хўжалиги, биттаси қорамолчилик хўжалиги, 17 таси эса товар хўжалиги ҳисобланади.

Тизимда, хусусан, қоракўл териларини қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина Конимех туманидаги "Қизилқум сур" корхонасида ўтган йили 2500 дона яссигулли, қаламгулли, қовурға гулли кумуш сур териси ошланиб, улардан тикилган аёллар ва эркаклар либослари, турли дизайндаги нимча, тўн ва бош кийимлари мижозларга сотилди. Бу йил эса қоракўл териларидан тайёрланадиган

ЖАҲОН 24 соат ичида

Омон қолганлар бор

Ҳинд океанининг "Yemenia Airways" (Яман) авиакомпаниясига тегишли "А310-300" самолёти ҳалокатга учраган жойда қидирув ишлари давом эттирилмоқда.

"France Presse" ахборот агентлиги ҳалокатдан 14 ёшли қиз тирик қолганини маълум қилди. Айни пайтда у касалхонага ётқизилган. Шифокорлар унинг ҳаёти хавф остида эмаслигини билдирганлар.

Таъкидлаб ўтамиз, дастлаб фалокатдан ҳаво лайнери учувчиси ва беш ёшли болакай омон қолгани ҳақида хабарлар тарқатилганди. Кейинчалик эса бу маълумот ўз тасдиғини топмади.

"А310-300" самолёти фожиага йўлиққан вақтда унинг бортида 142 йўловчи ва 11 нафар экипаж аъзоси бўлган.

Фавқулодда ҳолат эълон қилинди

Дунёнинг кўплаб давлатларида ҳали-ҳамон АН1N1 вируси билан боғлиқ салбий ҳолатлар қайд этилмоқда.

Ачинарлиси, касаллик туфайли қурбон бўлаётганлар сони ортиб бормоқда. Хусусан, Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳрида мазкур вирус 26 кишининг умрига зомин бўлганлиги аниқланди. Шу боис шаҳарда фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Буэнос-Айрес Аргентинанинг пойтахти саналади ва бу ерда мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми истиқомат қилади.

300 йилда илк маротаба

"The Daily Telegraph" нашрининг ёзишича, Буюк Британия Қироллик зарбхонаси 200 минг дона 20 пенслик танга пулларни чиқаришда хатоликка йўл қўйган.

Гап шундаки, тангалар дизайнини ўзгартириш чоғида уларнинг саналарини ёзиш унутилган. Мазкур камчилик пуллар муомалага киритилганидан сўнг пайқаб қолинган.

Бу ҳолат коллекция ишлари билан шуғулланувчи фирмалар эътиборини тортди. Жумладан, Лондон танга бюроси мазкур тангаларни ўз қийматидан қимматроққа сотиб олмоқчилигини билдирган. Муассаса, вақти келиб, қизиқувчилар уларни янада юқорироқ нархларда сотиб олиши мумкинлигига ишонмоқда.

Шундай бўлса-да, Қироллик зарбхонаси хато босилган тангалар муомаладан қайтарилмаслигини маълум қилди. Уларни қимматроққа сотмоқчи бўлганларга ҳам эътироз билдирилмаган.

Мамлакат тарихида бундай ҳолат охирги 300 йилда кузатилмаганди.

Бошқаларнинг тақдири номаълум

Қатар пойтахти Доҳа шаҳри яқинидаги портлардан бирида 35 нафар йўловчиси бор кема чўкиб кетган.

Қатар янгиликлар агентлиги хабарига қараганда, йўловчилардан беш нафари қутқариб олинган, яна бирининг эса жасади топилган. Қолганларнинг тақдири ҳозирча номаълум. Фожиага нима сабаб бўлгани ҳам аниқ эмас.

Қидириш ишлари олиб борилмоқда.

Хунрезлик оқибати

Ироқ шимолидаги Киркук шаҳрида қўпорувчилик ҳаракати содир этилди, дея хабар тарқатди "AFP" ахборот агентлиги.

Оқибатда 26 киши ҳалок бўлган, 56 киши турли даражада тан жароҳати олган. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Киркукда бундан бир неча кун муқаддам ҳам шундай хунрезлик амалга оширилганди. Ўшанда мина ўрнатилган юк машинасининг портлатиб юборилиши натижасида 70 киши ҳаётдан кўз юмган, 200 нафар одам эса шикастланганди.

Ҳозирча қўпорувчилик ҳаракатини ким содир этгани ҳақида маълумотлар йўқ.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон — Вьетнам:

ВАҚТ СИНОВИДА ТОБЛАНГАН ДЎСТЛИК

Юртимизда Вьетнамнинг "Petrovietnam" миллий нефть ва газ компанияси вице-президенти До Ван Хау раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлди. Ташриф давомида меҳмонлар мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идораларида учрашувлар ўтказиб, нефть ва газ соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашишди.

Биз ва жаҳон

"Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги муносабатлар доимо дўстона руҳда бўлиб келган, — деди жаноб До Ван Хау "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда. — Вьетнамликлар Ўзбекистонни яхши билишади, уларнинг аксарияти мамлакатингиз олий ўқув юртларини битириб, энди Вьетнам иқтисодиётининг турли соҳаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатмоқда. Биз Ўзбекистоннинг самимий, дўстона ва доимо меҳмондўст халқи билан ўзаро муносабатларимизни юксак қадрлаймиз.

Ташриф чоғида делегациямиз Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясида учрашувлар ўтказиб, икки томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди. Ўзбекистон нефть ва газ соҳасида катта салоҳиятга эга. Ҳамкорликнинг барча жиҳатлари аниқлаб олингач, биз юртингизнинг нефть ва газ соҳасидаги сармоявий лойиҳаларида иштирок этишни ният қилиб турибмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Тошкентда бўлиш менга ўзгача бир мароқ бағишлаётганини айтиб ўтишни хоҳлардим. Юртингиз мустақилликка эришгунга қадар мен ҳам кўплаб юртдошларим каби Тошкентда олий таълим олиб қайтганман. Ўқиш даврида кўплаб очиққўнгил ва самимий дўстлар орттиргандим. Тошкент ўша пайтда ҳам минтақанинг энг йирик ва гўзал шаҳри бўлиб, ўзининг ажиб бир муҳити, одамларининг меҳмондўстлиги, бағрикенглиги билан ажралиб турарди.

Орадан кўп йиллар ўтгач, яна ажойиб юртингизга келиб, мамлакат ва унинг пойтахти янада чирой очгани, ундаги қадимий ёдгорликлар замонавий меъморликнинг энг олд ғоялари асосида барпо этилган бинолар билан уйғунлашиб кетгани, кенг кўчалар бўйлаб турли-туман дўконлар, савдо марказлари, бозорлар, кафе ва ресторанлар қад кўтаргани, йўллар эса аксарияти Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларга тўла эканини катта мамнуният билан кузатдим. Шаҳар инфратузилмаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, ривожланиб кетган. Аммо бир нарса — одамларнинг самимийлиги, хайрихоҳлиги ва меҳмондўстлиги ҳамон ўша-ўша.

Шу ўринда Тошкент — ёшлигимнинг ёркин хотиралари муҳрланиб қолган азим шаҳар яқинда ўзининг 2200 йиллигини нишонлаши қувончимга қувонч қўшмоқда. Ушбу қутлуғ сана арафасида дўст Ўзбекистон халқига ўз ҳурмат-эҳтиромимни изҳор қилиб, юбилей муносабати билан бўлажак шодиёналар кўтаринки руҳда ўтишини тилаб қоламан. Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлигимиз ривожлангани сайин бу ажойиб заминга тез-тез келиб, унинг қадимий тарихи ва бой маданияти ҳақидаги билимларимни янада бойитиш имкониятига эга бўлишдан бахтиёрман".

«Жаҳон» АА

Яхши хабар

Ўзбекистон миллий авиакомпаниясида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» учун янги бўлган «Airbus-A320» русумидаги самолётлардан фойдаланишга тайёргарлик кўрила бошланди.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ОЙДИН ОСМОНИ

Имзоланган шартномага мувофиқ, авиакомпания 6 та «А320» лайнерини олади. Биринчи самолёт Тошкентга 2010 йил июль ойида келтирилиши кўзда тутилган.

Айни пайтда миллий авиакомпанияда муҳандислар, учувчилар, борт кузатувчиларидан иборат ишчи комиссияси ташкил этилди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари"нинг халқаро парвозлар тажрибасига эга бўлган учувчиларидан биринчи гуруҳи Франциянинг Тулуза шаҳридаги тренинг-марказда қайта тайёрланиши режалаштирилган.

Р. РАҲМОНОВА.

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

2009/2010 ўқув йилида қуйидаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талабаликка қабул эълон қилади.

БАКАЛАВРИАТ

1. Касб таълими (информатика ва АТ)
2. Касб таълими (телекоммуникация)
3. Кино-телеоператорлик
4. Махсус ёритиш технологиялари
5. Аудио-видеотехнологиялар
6. Компьютер графикаси
7. Овоз ёзиш технологиялари
8. Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик
9. Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича)
10. Менежмент (соҳалар бўйича)
11. Информатика ва ахборот технологиялари
12. Радиотехника
13. Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш
14. Телекоммуникация
15. Ахборот хавфсизлиги
16. Электрон тижорат
17. Мобиль алоқа тизимлари
18. Сервис (ахборот сервиси)
19. Сервис (электрон ва компьютер техникаси)
20. Почта хизматлари

МАГИСТРАТУРА

1. Тармоқлар иқтисодиёти (тармоқлар бўйича)
2. Менежмент (тармоқлар бўйича)
3. Компьютер тизимлари ва тармоқлари
4. Ахборотни бошқариш ва ишлов бериш
5. Компьютер тизимлари ва тармоқларининг дастурий таъминоти
6. Амалий информатика
7. Биотехник тизимларнинг техник ва дастурий таъминоти
8. Касб-ҳунар фанларини ўқитиш методикаси (информатика ва АТ)
9. Радиотехника қурилмалари ва алоқа воситалари
10. Рақамли телевидение ва радиоэшиттириш
11. Алоқа тармоқлари, узеллари ва ахборот тақсимоти
12. Алоқа ва ахборотда ишлов беришнинг оптик тизимлари
13. Алоқа тармоқлари ва бошқарув тизимлари
14. Криптография ва криптоанализ
15. Ахборот хавфсизлиги
16. Электрон тижорат
17. Мобиль алоқа тизимлари

Бакалавриат қабулига ҳужжатлар шу йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади, тест синовлари 1 август куни ўтказилади.

Магистратура қабулига ҳужжатлар шу йил 1 июлдан 31 июлгача қабул қилинади, кириш синовлари 3-10 август кунлари ўтказилади.

Ўқишга киришга қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

- таълим йўналиши (мутахассислик) номи кўрсатилган ҳолда, ректор номига ариза;
- 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- 3,5х4,5 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат;
- меҳнат дафтарчасидан кўчирма (махсус сиртқи);
- паспорт ва ҳарбий гувоҳноманинг асл нусхаси шахсан кўрсатилади;
- магистратура учун олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг (иловаси билан) асли ёки нусхаси.

Қабул комиссиясининг иш вақти — соат 8.30 дан 17.30 гача.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 108-уй. Телефон: 238-64-21.

ТАТУ қабул комиссияси.

Очиқ эшиклар куни

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида Нукус политехника касб-ҳунар коллежи ўқувчилари учун очиқ эшиклар куни ўтказилди.

Қизиқарли кечган мазкур тадбирда коллеж ўқувчилари олий ўқув юрти ҳаёти, бу ерда талабалар учун яратилган шароит билан танишдилар. Айни пайтда улар ушбу олий ўқув юртида ўқишга қизиқиш ҳам билдиришди.

А. ҲИДОЯТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти хўжалик судининг 2008 йил 7 мартдаги 15-0701/17993-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эълон қилинган

Фарғона «Кимёвий толалар заводи»

давлат корхонаси суд бошқарувчиси 2009 йил 6 июль куни соат 11.00 да кредиторларнинг умумий йиғилишига таклиф этади.

Йиғилиш кун тартиби:

Фарғона «Кимёвий толалар заводи» давлат корхонасини ягона мулкий мажмуа сифатида Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 143-моддасига биноан, кредиторларга тавсия этиш масаласи муҳокамаси.

Йиғилиш манзили: Фарғона шаҳри, Кимёгарлар кўчаси, 1-уй (завод маъмурий биноси).

РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2009 йил 20 июль куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қайтадан қўйилади:

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2009 йил 20 январдаги 2-164-08-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, А. Навоий (Мустақиллик) кўчаси, 29-уйда жойлашган 3 қаватли «Зебо» маиший хизмат кўрсатиш уйи, майдони — 2003,21 кв.м., қурилиш ости майдони — 548,32 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 1 144 000 000 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 20 ноябрдаги ЖСК-1-480/2008-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Фирдавсий кўчаси, 81-уйда жойлашган:

- «SAM FATTO TEKS» концернига тегишли бино-иншоотлар, асбоб-ускуналар, хўжалик моллари ва компьютер техникалари ягона мулкий мажмуаси, қурилиш майдони — 22859,41 кв.м.
  Бошланғич баҳоси — 3 575 582 100 сўм.
- МЧЖ шаклидаги «БАҲМАЛ» Ўзбекистон — Қозоғистон қўшма корхонасига тегишли бино-иншоотлар, асбоб-ускуналар, компьютер техникалари ва офис мебеллари ягона мулкий мажмуаси, қурилиш майдони — 7701,51 кв.м.
  Бошланғич баҳоси — 2 967 039 646 сўм.
- МЧЖ шаклидаги «KAMOLA-GLDANI» Ўзбекистон — Грузия қўшма корхонасига тегишли клуб биноси мажмуаси, қурилиш майдони — 796,71 кв.м.
  Бошланғич баҳоси — 220 707 600 сўм.
- МЧЖ шаклидаги «KAMOLA-GLDANI» Ўзбекистон — Грузия қўшма корхонасига тегишли бино-иншоотлар, асбоб-ускуналар ягона мулкий мажмуаси, қурилиш майдони — 1590,5 кв.м.
  Бошланғич баҳоси — 1 114 133 114 сўм.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»и Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404460401001, МФО: 00317, СТИР: 206074208.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона. Телефон: (8-366) 234-06-38.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

МАНГУ МАКОНИ

кийим-кечак турлари янада кўпайиб, тикувчилар сафи кенгаяди. Негаки, "Агробанк"нинг туман бўлимидан ажратилган 9 миллион сўм кредит эвазига замонавий жиҳозлар ва тикув машиналари харид қилинди.

— Жаҳон бозорида, айниқса, қоракўл теріларининг "Зармалла", "Ўзбекистон кумуш сури" ва "Ясси" завод типларидан тикилган маҳсулотларнинг бозори чаққон, — дейди бирлашма раиси Шамсиддин Рустамов. — Ана шу янги завод типлари Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти, унинг Навоий таянч бўлими олимлари ҳамда бизнинг мутахассисларимиз томонидан "Нурота", "Абай" ва "Сарибел" ширкат хўжаликларида олиб борилган мақсадли селекция ишлари натижасида яратилгани эътиборга сазовордир.

Шуни ҳисобга олиб, бирлашманинг барча хўжаликларида истиқболли режалар асосида наслчилик тадбирлари қонун доирасида амалга оширилмоқда. Бу ўз самарасини бераётир.

Қувонарлиси, фидойи чорвадорлар топаётган маблағ эвазига қишлоқлар ва овуллар кун сайин обод бўлиб, тобора кўркамлашиб бормоқда. Мисол учун, "Қизилқум" наслчилик ширкат хўжалиги ҳудудидаги Испанқудуқ, Есқудуқ, Отқудуқ, Бошқудуқ, Тошқудуқ овулларида ҳозирги кунда болалар боғчалари, 6 та мактаб, битта спорт саройи, касалхона ҳамда қишлоқ врачлик ва фельдшер-акушерлик пунктлари ишлаб турибди. Кўплаб савдо, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари элнинг корига ярамоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида барча жойларда бу борада яна кўплаб ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда.

Шуларни ўйлаганда, уларнинг сабр-бардошига қойил қоласан, киши. Сирасини айтганда, табиат қизилқумликларнинг бардошини аллақачон имтиҳондан ўтказган, десак, асло муболаға бўлмайди. Улар ота яйловини мангу макон, чўпонлик таёғини эса табаррук ва муқаддас мерос деб билишади. Бу беназир ақидага садоқатни шундан ҳам билса бўладики, гурунгларда ва суҳбат асносида қишнинг қирқ даража совуғию ёзнинг эллик даража жазирамасидан қўрқиб, ушбу жойни ёки таёғини тарк этган чўпон ҳақида гап қулоққа чалинмади...

Ваҳоланки, Томдибулоқ билан Зарафшон шаҳри оралиғидаги масофа бор-йўғи 50 чақирим, холос. Бу шаҳар йил сайин бўйигаю энига кенгайиб, тобора чирой очиб, кўркамлашиб бораётир. Бироқ томдиликлар қатор-қатор кўп қаватли уйларнинг маҳобатига, оҳанрабо манзиллар сеҳрига учмайди, улар ҳатто, зарафшонликларга ҳам ҳасад қилишмайди, балки жонажон ўтовларини барисидан афзал билишади. Ҳудудсиз кенгликлар бағрида яшаш ва ишлаш — улар учун тақдири азал. Шу сабаб, ҳеч қайсиси турмушидан нолимайди, аксинча, сарҳадсиз чўл ўртасида замонавий шаҳарлар қад ростлаётганидан, бу шаҳарларда юртдошлари яшаётганидан шоён ғурурланади.

Шу кеча-кундузда навоийлик чорвадорлар ана шундай эзгу ният, эзгу мақсад билан яшаб, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. "Мустақиллигимизнинг 18 йиллик тўйига, албатта, ўзимизнинг муносиб тўёнамиз бўлади», дейишмоқда улар.

Икром ЎТБОСАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КЎРКАМ, БЕТАКРОР ВА ФАЙЗЛИ ТОШКЕНТ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизнинг дарвозаси ҳисобланган ҳамиша кўҳна ва навқирон Тошкентда эса бу тадбирлар ҳар қачонгидан ҳам бошқача кўриниш олган. Сабабини яхши биласиз, бу йил азим пойтахтимиз мустақиллик байрами билан биргаликда, ўзининг 2200 йиллик тўйини ҳам нишонлайди. Ҳозир Тошкентда шу муносабат билан катта ҳозирликлар кетаяпти. Президентимизнинг 2008 йил 2 апрелдаги "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги ҳамда жорий йил 10 июндаги "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган асосий тантаналарни ўтказиш тўғрисида"ги қарорлари бу борада дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Тошкентдаги тарихий янгиланишларнинг ҳар бири алоҳида мақола учун мавзу бўла олади. Масалан, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш борасидаги ишларни олайлик. Аслида пойтахтимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартиришга Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ алоҳида эътибор қаратганлар. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек, Тошкент Ватанимизнинг юзи, дарвозаси ҳисобланади. Мамлакатимизга ташриф буюрадиган хорижлик меҳмонлар ҳам шу ердаги ўзгаришлар мисолида юртимиз ҳақидаги илк таассуротларга эга бўлдилар.

Дунё тажрибасидан шу нарса маълумки, муҳандислик-қурилиш ишлари амалга оширилаётганда лойиҳа-смета ҳужжатларида бунёд этиладиган бино чор-атрофини кўкламзорлаштириш ҳам кўзда тутилади. Бироқ собиқ шўролар даврида бу масалага эътибор берилмаган. Режасиз олиб борилган қурилишлар натижасида биноларнинг жойлашуви яшил ҳудуд барпо этишга умуман имкон бермасди. Оқибатда шаҳар экологик ҳолати бузилган. Манзарали кўчат сифатида эса чинор экишга зўр берилган. Ваҳоланки, чинорлар аллергия кўзғатувчи салбий хусусиятга эга. Унинг барглари қалин ва пишиқ бўлиб, узоқ вақтгача чиримайди. Бундан ташқари, чинор атрофидаги дарахтларнинг ўсишини секинлаштиради. Гуллаш даврида эса у ўзидан инсон нафас йўллари ва кўриш аъзоларида ўткир хасталик келтириб чиқарувчи гул чанги тарқатади.

Президентимиз шаҳарсозликда, аввало, мана шу жиҳатларга алоҳида аҳамият қаратдилар ва ҳар бир ҳудуднинг, жумладан, Тошкентнинг ҳам иқлимига мос дарахт кўчатларини ўтказиш бўйича ўз тавсияларини бердилар. Бугунги кунда шаҳар ҳамда шаҳар атрофига, саноат корхоналари яқинига эман, қарағай, можжевельник, япон софораси, каштан каби манзарали дарахт кўчатлари экиш яхши анъанага айланган.

Тошкентнинг марказий қисмини кўкламзорлаштириш борасида олиб борилган саъй-ҳаракатлар ҳақида сўз кетганда, аввало, Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бажарилган бунёдкорлик ишлари кўз олдимизга келади. Бир пайтлар эски иморатлар жой олган макон бугун мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси фахрланадиган, ором оладиган масканга айланган. Боғнинг ҳудуди 16 гектарга кенгайтирилиб, бу ердаги қўлнинг атрофи чиройли тошлар билан безатилган. Бу ушбу гўшанинг янада кўркам бўлишини таъминлади.

Мустақиллик майдонининг ҳозирги ҳолати эса бугунлай бошқача. Чунки бир вақтлар асфальт ва бетон ётқизилган йўллар ўрнини ям-яшил майсазор, дарахтлар эгаллаган. Замонавий ҳамда миллий меъморчилик анъаналарига асосланиб барпо этилган фавворалар майдонга ярашиб турибди, қоларверса, бу ердаги мўътадил иқлимни таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.



Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари туфайли шаҳар ўртасида қолиб кетган корхона бошқа жойга кўчирилиб, ўрнида хиёбон барпо этилди. Шунингдек, «Туркистон» саройи ёнида ҳам 1,3 гектарлик яшил ҳудуд бунёд қилинди. Марказий универсал дўкон ёнидаги тирбанд ва ўта ноқулай кўча ўрнида олдиндан мавжуд хиёбонга қўшилиб кетувчи яхлит боғнинг барпо этилиши, биринчи навбатда, шаҳардаги экологик мувозанатни сақлашга замин яратди.

Шифокорларнинг фикрига кўра, яшил ҳудуд инсоннинг руҳий ҳолатига ҳам яхши таъсир кўрсатаркан. Икки томони дарахт билан ўралган йўллар, сув ҳавзалари бўйларида, кўркам боғларда сайр қилиш асабни тинчлантиради, кайфиятни кўтаради, руҳиятга сокинлик бахш этади. Кўриниб турибдики, аҳоли яшаш-жойларини кўкламзорлаштиришнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Юртбошимиз ўша вақтда пойтахтда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш чоғида, ҳар бир янги иншоотга пойдевор қўйишдан олдин, унинг атрофини кўкламзорлаштириш, гулзорларга айлантириш ҳақида ўйлаш лозимлигини алоҳида уқтирган эдилар. Ҳозирда шу асосда ишлар давом эттирилмоқда.

Бугунги Тошкентнинг жамолига қараб, жуда кўп яхши таърифларни бериш мумкин: "Яшилликка бурканган шаҳар", "Гуллар билан безанган шаҳар"... Чунки пойтахтимизнинг қаерига борманг, манзарали дарахтлар билан ўйғун ҳолда йўл бўйларига, хиёбонларга экилган гулзорларга ҳам кўзингиз тушади.

— Жорий йилнинг баҳор фаслида пойтахтимизда 272,8 минг дона манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, 167,7 минг дона гуллайдиган бута кўчатлари экилди, — дейди Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Ботир Ортиқхўжаев. — Шунингдек, 50 дан ортиқ гулхона ташкил қилинди. Таъкидлаш жоизки, ўтқазилаётган гулларнинг асосий турлари ўзимизнинг маҳаллий навлардир. Жумладан, қўқонгул, гулбеор, гултожихўроз, карнайгул, итогиз, шойигул, қашқаргул ва бошқа турдаги гуллар бугун атрофга ўзгача чирой бахш этмоқда. Хориждан ҳам гул уруғлари келтирилиб, ўстирилмоқда.

Умуман, баҳор фаслида шаҳарда 4942 минг донадан ортиқ бир йиллик ва кўп йиллик гул кўчатлари экилди. Гуллаш мавсумини тугаллаган гуллар ўрнига ҳамда янги гулхоналар ташкил қилиш учун ҳар бир туман ободонлаштириш бошқармалари ҳамда махсус бошқармалар 100-150 минг донадан гул кўчатлари тайёрламоқдалар.

Кўчаларда гуллар асосида ташкил қилинган яна бир ўзига хос жиҳат киши эътиборини тортади. Кузатган бўлсангиз, пойтахтимизнинг турли ерларида гуллар билан 2200 рақами тасвирланган. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тимсолини тарғиб қилиш мақсадида яратилган бундай бетакрор манзарани ҳар бир тумандаги гулхоналарда кўриш мумкин.

Ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан яшил ҳудудлар ташкил қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, Абдулла Қодирий, Нукус, Кичик халқа автомобиль йўлидаги Қорасарой кўчаларида шундай гўзал масканлар барпо қилинди. Ҳозирда Абдулла Қодирий, Фарғона йўли, Кичик халқа йўли ва Элбек кўчалари оралиғидаги 10 гектардан ортиқ ерда ҳам яшил ҳудуд ташкил қилиш ҳамда уни суғориш тизими билан таъминлаш ишлари якунланиш арафасида.

Хуллас, Тошкент ҳуснига ҳусн қўшиш мақсадида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Буларнинг барчаси халқимиз учун яратилаётган фаровон ҳаёт намуналаридир.

Шавкат ОРТИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бугунги ҳаётимиз, эришган ютуқ ва муваффақиятларимиз, дориломон кунлар шукуҳини акс эттирган пешлавҳалар орасида тасвирий тарғибот паннолари ўзига хос бир дунёдир. Она замин таровати, озод юрт жамоли, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятидан дарак берувчи тасвирий воситалар, қаергаки, разм солманг, эътиборни тортмоқда, дилларга хушнудлик бағишлаётир.

ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Эзгулик

Бинобарин, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида амалга оширилаётган ибратли саъй-ҳаракатларни ифода этиш, айниқса, ёш авлод қалбида она-Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий қадриятларга эҳтиром ҳиссини шакллантиришда шиорлар, плакат ва паннолар кўринишидаги тасвирий тарғибот воситаларининг аҳамияти беқиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 12 сентябрда қабул қилинган "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасини ташкил қилиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган ижодий жамоа бугун бу борада самарали фаолият юритмоқда. Айни кунга қадар уюшма икки мингдан зиёд турдаги ташқи тасвирий-тарғибот воситаларини яратди.

Жамиятдаги ҳар бир янгиланиш, ҳар бир ўзгариш, аввало, инсон ва унинг манфаатлари учун, қолаверса, халқнинг турмуш фаровонлиги йўлида амалга оширилар экан, бу эзгу мақсадни рўёбга чиқариш мақсадида уюшма ижодкорлари ёруғ ниятли элнинг кайфияти, орзу-мақсадларини акс эттиришга баҳоли қудрат ҳаракат қилмоқдалар. Яратилаётган тасвирий тарғибот ва санъат асарларида амударёликларга хос жўшқин кайфият, Сирдарё заминининг вазмин ва меҳри дарё одамлари юз-кўзидаги самимият ўз ифодасини топган. Бундай тасвирлар халқимиз қалби ва руҳиятида кечаётган ўзгаришларни, турли соҳа илғорлари, ташаббускор ва ташкилотчи фермерлар, ибратли тадбиркорлар, бугунги кун қаҳрамонлари меҳнатини тасвирий воситалар орқали тарғиб қилиш, энг улуғ, энг азиз неъмат — Истиқлол қадрини кишилар онгу шуурига чуқур сингдиришга хизмат қилаяпти.

Мустақил юртимизда тарихий саналарни кенг миқёсда нишонлаш, турли юбилей ва шодиёналарга кўтаринки руҳда тайёргарлик кўриш одат тусини олган. Қутлуғ айёмлар — Истиқлол тантанаси, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Конституция байрами, Янги йил, Ватан ҳимоячилари, Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз умумхалқ байрами, бундан ташқари, Хотира ва қадрлаш куни сингари саналарнинг туб мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этишга қаратилган чора-тадбирлар, айниқса, эътиборга молик.

Биргина жорий йилнинг ўзида Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган муҳим тадбир — мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасини тантанали рухда ўтказиш мақсадида ҳудудда ташқи тасвирий тарғибот бўйича 150 дан зиёд 3х6 ўлчовли темир қурилма қад ростланди. Ўз навбатида, бу катта меҳнат талаб қилишини таъкидлаш жоиз. Чунончи, ёшлар беллашуви баҳона ҳудудда ҳажми 12х22 метр бўлган тасвирий ойина мажмуаси ҳам биринчи марта яратилди. Гулистон шаҳрининг 16 та спорт майдони ва 13 та катта ва кичик кўчалари тасвирий санъат асарлари билан безатилди.

Эътиборлиси, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан уюшмада чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди. Хусусан, "Қишлоқ камоли — юрт жамоли" деб номланган алоҳида тавсиянома-рисола чоп эттирилди. Ушбу тўпламдан "Қишлоқ тараққиёти — фаровон ҳаёт гарови", "Аёлни улуғлаш — оиланни, Ватанни, ҳаётни улуғлаш", "Наврўз ва Меҳржон — халқ шодиёналари тимсоли", "Энг улуғ, энг азиз байрам", "Ҳаётимиз қомуси", "Дурдона ҳикматлар хазинаси", "Қишлоғимдан бошланар менинг Ватаним" деб номланган ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига аталган шиорлар ва шеърий ҳикматлар, донишманд аждодларимиз яратган пурмаъно мақоллар ва бошқа ижодий намуналар жой олган. Тўплам янгидан-янги паннолар яратишда қўл келмоқда.

Шубҳасизки, тасвирий воситалар орқали амалга оширилади ган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот намуналари ҳар бир ватандошимизни юртни севишга, элюрт манфаатлари йўлида янада самарали меҳнат қилишга ундовчи омиллардан биридир. Зеро, бугун шаҳару қўчалар, марказий майдону иншоотлар кўркига кўрк қўшиб турган ғурурбахш ҳикматлару бетакрор тасвирлар юртимиз шону шуҳратини мадҳ этиб, ҳамюртларимизни янада улуғвор ишларга чоғлаётир.

Пиримқул ДЎСТМУҲАММАД.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

Академик эшкак эшиш бўйича "Катта Москва регатаси" анъанавий халқаро турнирида қорақалпоғистонлик спортчилар доимо муваффақиятли иштирок этиб келишади.

Эшкакчиларнинг олтин медали

Жумладан, 1997 йилги мусобақада Баҳодир Давлатёров бронза медалига сазовор бўлган эди.

Жорий йилги беллашувларда қўлга киритилган натижалар янада салмоқли бўлди. Икки кишилик эшкак эшиш баҳсларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган Абубакр Узоқбоев ва Ерназар Ҳабибуллаевлар 500 ва 1000 метрлик масофада Европа ва Осиё мамлакатларининг кучли спортчиларини ортда қолдириб, икки марта шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди.

Нукусдаги эшкак эшишга ихтисослаштирилган махсус Олимпия захиралари мактабида маҳоратларини ошираётган Абубакр Узоқбоев ҳамда Ерназар Ҳабибуллаевлар келгусида бундан ҳам нуфузли мусобақаларда совриндор бўлишни мақсад қилишган.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёш полвонлар мусобақаси

Бухоро вилоятининг Олот туманида 1992-1993 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида миллий спортимиз — кураш бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди.

Якунда қизлар ўртасида қорақалпоғистонлик Мадина Жаксилиқова, Гўзал Қўчқорова, Жулдуз Мустапаева, Санам Еркинбоева, сурхондарёлик Феруза Чориева, Шаҳноза Оқбўтаева, андижонлик Моҳигул Холдорова, хоразмлик Юлдуз Эркаева ва навоийлик Севара Жомуродовалар ўз вазн тоифасида биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Ўсмирлар ўртасида бухоролик тўрт нафар полвон — Раҳмон Жумаев, Нурмуҳаммад Тўраев, Муҳиддин Очилов ва Ғиёс Бобоевлар ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди. Шунингдек, пойтахтлик Сарбоз Жабборов, Ҳасан Юсупов, Аваз Тоймуродов, хоразмлик Диёрбек Бахтиёр ўғли ва Тошкент вилояти вакили Беҳзод Нурматовлар ҳам республика биринчилиги ғолиби бўлишди.

З. ЖОНИБЕКОВ.

Кеча халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунёдаги футбол жамоаларининг янги рейтингини эълон қилди.

Футбол жамоалари янги рейтингда

Унга кўра, кучли 350 та жамоа рўйхатига киритилган — "Бунёдкор", "Пахтакор" ва "Нефтчи" аввалги ўринларидан бир неча поғона юқорилашган. Жумладан, "Бунёдкор" 64, "Пахтакор" 115, "Нефтчи" эса 192-ўринга кўтарилди.

Осиё қитъаси жамоалари орасида "Бунёдкор" Японияннинг "Гамба Осака" клубидан кейин иккинчи ўринда бормоқда.

Кеча "Бунёдкор"да бразилиялик таниқли мутахассис Луиз Фелипе Сколари бош мураббий сифатида иш бошлади.

"Ёзги таътил – 2009" беллашувлари

Хоразм вилоятида ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказиш, болалар спортини янада оммавийлаштириш мақсадида ташкил этиб келинаётган анъанавий VI "Ёзги таътил — 2009" мусобақалари бошланди.

Маълумки, мазкур мусобақалар уч босқичда — маҳалла, туман ва вилоят биринчилиги тарзида ўтказилади. Унинг вилоят биринчилигида 70 минг нафарга яқин ўқувчи иштирок этиши кутилаяпти.

Беллашувлар вилоят ҳудудида бунёд этилган замонавий болалар спорт мажмуаларида бўлиб ўтади.

О. ЖУМАНИЁЗОВ.



Муҳаммадқодирнинг навбатдаги ғалабаси

Ҳамюртимиз, бокс бўйича Олимпиада ўйинлари чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев тўрт йиллик танаффусдан сўнг яна рингга қайтди.

У Тошкентда россиялик Сергей Старков билан олти раундлик профессионал боксда куч синашди. Беллашув давомида рақибига кетма-кет зарбалар берган Муҳаммадқодир якунда ишончли ғалабага эришди.

— Асосий мақсадим, ҳаваскорликдаги сингари, профессионал боксда ҳам чемпионликка эришишдир, — дейди М. Абдуллаев. — Бугунги ғалабам шу йўлда қўйилган навбатдаги қадам бўлди.

Эслатиб ўтамиз, Муҳаммадқодир профессионал боксдаги сўнгги жангларини 2005 йили Пуэрто-рикалик Мигел Котто ва украиналик Андрей Котелниклар-га қарши ўтказиб, ҳар иккаласига ҳам имкониятни бой берган эди.

О. ЗИЁЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

СЕРВЕРЛАР ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.



Танлов шартлари юзасидан қўшимча маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 13-«А» уй.
Телефонлар: 244-97-57, 244-98-59, 244-97-62.
Факс: 244-22-96.
Ички телефонлар: 757, 859, 762.

Танловда иштирок этиш бўйича таклифлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача эълон чоп этилган санадан бошлаб 7 кун давомида қабул қилинади.

Товар сертифицирован INTEGRAL ASIA

Официальный дистрибьютор на территории Республики Узбекистан DELL™

... от карманных компьютеров до серверов...



3 Технологии, обеспечивающие уверенность

года полной гарантии !!! Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28. Факс 120-30-26.

ОБ-ҲАВО (2 июль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Кечаси 14-19, кундузи 26-31 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво қисман ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво қисман ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 16-18, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси вазирликнинг собиқ бош ҳисобчиси
Абдуқуддус Абдусаломович АБДУРАҲИМОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

"Ўзагромашсервис" уюшмаси жамоаси Аналитик ва ахборот хизмати бўлими бош мутахассиси Жамбул Абдукаримовга отаси
Махамбет АБДУКАРИМОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси агентликнинг Жиззах вилояти бўйича мухбири Тошқул Бекназаровга онаси
БАҲРИ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Асака" Давлат акциядорлик тижорат банки (ОАЖ) жамоаси банкнинг Зарафшон филиали бошқарувчиси Мираббос Тўраевга онаси
Рохила ИМОМОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 37593 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 20.40 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6 8 9